



## ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Алматов Санжар Зокиржонович

Тошкент шаҳар Бектемир тумани ИИБ ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8166476>

### ARTICLE INFO

Received: 10<sup>th</sup> July 2023

Accepted: 15<sup>th</sup> July 2023

Online: 19<sup>th</sup> July 2023

### KEY WORDS

### ABSTRACT

Терроризм сўзининг генезисига эътибор берадиган бўлсак, мазкур ибора, латинча «terror» сўздан олинган бўлиб, «қўрқинч», «даҳшат» деган маънони билдиради<sup>1</sup>. Бу тушунчага умумий таъриф бериб, уни қўрқитиш сиёсати, ёки сиёсий аҳамиятга эга бўлган масалаларни зўравонлик йўли билан бартараф этиш каби маънода тушунишимиз ҳам мумкин. Ҳозирги кунда бу атама халқаро сиёсий луғатда мустаҳкам ўрнашди. Ижтимоий тараққиёт билан бир қаторда “террор”, “терроризм” тушунчалари ҳам янги мазмун билан бойиб бормоқда. Террор “куч, турли хилдаги қуролларни қўллаш, шунингдек, кўплаб қурбонларга сабаб бўлувчи зўравонлик” сифатида таърифланади<sup>2</sup>.

Бизнингча, халқаро терроризмни ягона таърифлаш масаласи замонавий сиёсатшунослик ва халқаро ҳуқуқшунослик олдида турган энг муҳим муаммолардан бири бўлиб, мазкур масаланинг ҳал этилиши террорчилик каби халқаро тинчлик ва хавфсизликка қарши вайронкорона бузғунчи кучларга барҳам бериш борасидаги муҳим чора, яъни давлатлар қонунчиликларида терроризмга ягона ёндашиш, бу борада қонунчиликларни унификациялашга имкон беради.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, халқаро терроризмга таъриф беришда уни имкон қадар барча жиҳатларини қамраб олишнинг имкониятини берадиган механизм бу – халқаро терроризмнинг халқаро ҳуқуқбузарлик сифатида унинг таркибини таҳлил қилишдир. Мазкур механизм фундаментал халқаро ҳуқуқшунослик фанида энг мукамал деб тан олинмоқда. Бунинг сабаби шундан иборатки, мазкур таърифлаш жараёнида халқаро терроризм моҳиятининг энг муҳим элементлари, яъни субъект, объект, субъектив ва объектив томонларига аниқлик киритилиб, халқаро терроризмни таърифлашда ушбу элементларнинг намоён бўлиш хусусиятлари ҳисобга олинади.

<sup>1</sup>Убайдуллаев У.А. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. - Т.: Ўзбекистон. 2002, - Б. 8.

<sup>2</sup>Ляхов Е.Г. Терроризм и международные отношения. - М.: 1991. – С. 19.



Халқаро терроризм таркибининг асосий элементларидан бири бўлган субъектга доир мунозаралар терроризмга қарши курашнинг йўлдоши бўлиб келган. Маълумки, халқаро терроризм коммунистик мафкура билан йўғрилган совет сиёсатшунос ва ҳуқуқшуносларининг асарларида империалистик мамлакатларнинг гегемония ўрнатишга қаратилган сиёсатининг муҳим воситаси тарзида эътироф этилган.

Жумладан, И.П.Блищенко ва Н.В.Жданов халқаро терроризмнинг субъекти сифатида мустақил фаолият юритадиган жисмоний ҳамда юридик шахсларни ва айрим ҳолларда эса давлатни ҳам келтириб ўтган<sup>3</sup>. Собиқ шўролар даврида халқаро ҳуқуқшунослик фанида давлатлар томонидан амалга оширилган терроризмга доир махсус тадқиқотлар ҳам олиб борилганлигини эътироф этиш лозим<sup>4</sup>.

Гарчанд, бугунги кунда икки мафкуралар қарама-қаршилиги ва совуқ уруш муҳити барҳам топган бўлсада, давлатларнинг халқаро терроризмга кўмак бериш ҳолатлари давом этмоқда. Америка Қўшма Шталари томонидан ҳар йили тузиладиган рўйхатга кўра, Сурия, Судан, Шимолий Корея, Ливия, Куба давлатлари халқаро террорчилар билан тил бириктириб, уларга мунтазам равишда моддий-молиявий кўмак бермоқдалар<sup>5</sup>. Шунга ўхшаш ҳолатларни назарда тутиб, мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримовнинг эътироф этишича, “бугун шу нарса аён бўлмоқдаки, баъзи бир давлатлар ва сиёсий кучлар террорчи гуруҳларга умуман терроризмга қарши курашиш ҳаракатига қўшилиш ҳақидаги ҳамда бунга ўзининг бутун имконият ва кучини сафарбар қилишга тайёр эканлигини кўпроқ сўзда ва баландпарвоз гапларда билдирмоқдалар. Амалда эса, афсуски, бу ўта муҳим ва барча халқлар ва минтақаларнинг ҳаёт мамотини ҳал қилувчи масала атрофида сиёсий ўйинларга ва савдоларга берилиб кетмоқдалар”<sup>6</sup>.

Шу ўринда бир нарсага алоҳида эътибор қаратиш керакки, халқаро терроризм давлатларнинг миллий манфаатларини рўёбга чиқариш инструменти сифатида хизмат қилса, сиёсий жиҳатдан давлатни террорчилик ҳаракатининг субъекти сифатида эътироф этилиши лозим деб ҳисоблаш мумкин.

Тадқиқотчи А.Қамаровнинг фикрича, халқаро ҳуқуқ назариясига биноан, террорчилик ҳаракатларига кўмаклашаётган давлат террорчилик фаолияти билан шуғулланган жисмоний шахслар билан бир қаторда ҳуқуқий жавобгарликка тортилиши, ушбу жисмоний шахслар билан халқаро терроризмнинг ялпи субъекти тарзида тан олиниши шарт.

Бироқ, Ю.Авдеев бундай ҳаракатлар давлатнинг ҳарбий ҳаракатларининг бир кўриниши эмаслиги нуқтаи-назаридан бундай ҳолатни халқаро терроризмга киритмайди.

Жумладан, 1986 йилда қабул қилинган Европа Иттифоқи томонидан тасдиқланган Токио декларациясида терроризм ва халқаро терроризм тушунчасини махсус тарзда

<sup>3</sup> Блищенко И.П., Жданов Н.В. Сотрудничество государств в борьбе с терроризмом. // Советское государство и право. 1981. №8. - С. 111.

<sup>4</sup> Махмуд аль-абд Сакер. Государственный терроризм международно-правовое преступление. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – М.: МГУ, 1990. – С. 45.

<sup>5</sup> Салимов К.Б. Современные проблемы терроризма. - М.: // Цит, 1999. - С. 28.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Баёноти. // Халқ сўзи. 2001. 6 октябр.



таърифлаш лозим деб қаралмайди. БМТнинг халқаро терроризм бўйича Махсус кўмитаси томонидан келтирилган таърифда халқаро терроризм хорижликлар томонидан амалга ошириладиган ёки хорижликларга қарши қаратилган ва халқаро оқибатларни келтириб чиқарувчи ноқонуний қилмишдир. Бу таъриф бирмунча аниқроқ бўлсада давлат тузилмалари томонидан бошқа давлатларга ва бошқа давлат фуқароларига нисбатан амалга ошириладиган террорчилик ҳаракатлари масаласини қамраб олмайди. Субъектив томонидан халқаро терроризм қасддан содир этиладиган халқаро жиноятдир. Бугунги кунда терроризм субъектив томонини белгилаб олиш билан боғлиқ муаммолар терроризмни таърифлашда асосий тўғаноқлардан бири бўлиб қолмоқда. Замонавий халқаро терроризм хусусияти шундан иборатки, мазкур жиноий ҳодиса сиёсий жиноят доирасидан аллақачон чиқиб кетиб, серқирра жиноий фаолиятга айланган. Е.Г.Ляховнинг асосли ёзишича, «халқаро терроризмнинг ягона таърифини ишлаб чиқишга тўсқинлик қиладиган сабаблар шундан иборатки, терроризм тушунчаси қарама-қарши, мавҳум ниҳоятда кенг характерга эга бўлиб, хатто халқаро муносабатларда вужудга келаётган вазиятдан қатъий назар аниқ ва яқдил таърифлаш имконини бермасликдир»<sup>7</sup>. Терроризм серқирралиги ва унга таъриф бериш ниҳоятда мушкул эканлиги, турли муаллифлар томонидан мазкур жиноятга берилган таърифларнинг таҳлили натижасида яққол намоён бўлади.

Жумладан, халқаро терроризмнинг айнан халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатлар ўртасида нифоқ солиш, халқаро тинчлик ва хавфсизликка болта уриш, муайян давлатлардаги вазиятни беқарорлаштириш каби мақсадлар кўзланганлиги халқаро ҳуқуқшуносликда терроризмни сиёсий жиноят деб таърифлашга замин яратмоқда.

Халқаро терроризм таркибининг навбатдаги муҳим элементи унинг объектидир. Таъкидлаш лозимки, халқаро терроризм объектини аниқлаш ўзига хос мураккаб вазифадир. Н.И.Костенконинг фикрича, халқаро терроризмнинг объекти сифатида халқаро ҳуқуқтартибот, халқаро тинчлик, давлат ҳамда унинг миллий суверенитети хизмат қилади<sup>8</sup>.

Е.Г.Ляхов таъбирича эса, халқаро терроризм жисмоний шахслар ёки ушбу шахслар гуруҳи томонидан содир этиладиган кўп объектли халқаро ҳуқуқбузарлик бўлиб, унда дипломатик алоқалар тизимининг фаолият кўрсатиши, давлатларнинг суверенитетини таъминлаш, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг махсус (низомда мустаҳкамланган) ҳуқуқ субъектлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, халқаро ер, ҳаво ва денгиз коммуникация каби масалаларга доир муҳим халқаро мажбуриятларга зарар келтиради<sup>9</sup>. Назаримизда, халқаро терроризм ҳақиқатдан ҳам кўп объектли жиноят бўлиб, ушбу объектлар сирасига кирадиган барча ижтимоий қадриятларни келтириб ўтишнинг амалий имконияти йўқ.

<sup>7</sup>Ляхов Е.Г. Политика терроризма-политика агрессии и насилия. – М.: Международные отношения,1987. – С.20.

<sup>8</sup>Костенко Н.И. Международное уголовное право: современные теоретические проблемы. – М.: Юрлитинформ,2004. – С.224.

<sup>9</sup>Ляхов Е.Г. Терроризм и межгосударственные отношения. – М.: Международные отношения,1991. – С.43.



Халқаро терроризм таркибининг навбатдаги элементи – унинг объектив томонидир. Террорчилик муаммоларини ўрганган ўзбек олими Д.Ф.Рахимовнинг фикрича, “мазкур жиноятнинг объектив томони шунда намоён бўладики, унда жамиятга моддий, ахлоқий ва сиёсий зарар келтирилади. Халқаро терроризмнинг ўзига хос белгиси шундан иборатки, унда айнан давлатлараро муносабатларга зарар келтиришдир. Бундан ташқари, халқаро вазиятни тобора танг аҳволга келтириш, давлатлараро ҳамкорлик соҳасида халқаро можаролар юзага чиқишига замин яратадиган муаммоларни вужудга келтириш воситасидир”<sup>10</sup>. Фикримизча, халқаро терроризм объектив томонига хос бўлган барча хатти-ҳаракатлар мажмуини келтириш бағоят мураккаб. Бу ҳолат олимлар томонидан ҳам тан олинмоқда.

Тадқиқотчи М.Ражабованинг таъкидлашича, “терроризм жиноятини содир этишда террорчилар томонидан қўлланилаётган усулларнинг барчасини бир модда матнида тўлиқ баён қилиш мушкул. Чунки ёвузлик ва жинояткорликдаги ихтиролар кун сайин янада кўпайиб бораётир. АҚШда 2001 йилнинг 11 сентябрида содир этилган террорчилик ҳаракатларининг иштирокчилари зўрлик билан самолётларни эгаллаб, мудҳиш жиноятни амалга оширишда қабих усуллардан фойдалангани бунга мисол”<sup>11</sup>.

Умуман олганда, халқаро жиноятчиликнинг шу каби барча турлари, нафақат алоҳида олинган битта мамлакатга реал таҳдид солмоқда, балки кенг қўламдаги хавфсизликни сақлаб туриш истиқболларини ҳам шубҳа остида қолдирмоқда. Бугунги кунда терроризмни сиёсий жиноят деб баҳолаб, ниҳоятда хавfli қилмиш деб эътироф этиш, қўрқитиш, бирор-бир давлат бошқа давлат ёки унинг ҳукумати ҳамда ҳокимият тизимини бир гуруҳ фуқаро ёки бутун аҳолига нисбатан террорчилар учун маъқул ҳаракатларни содир этишга мажбурлаш, маълум сиёсий мақсадларга эришишга йўналтирилган тинчликка, фуқаролар хавфсизлиги ва ҳаётига қарши зўравонлик ишлатиш ёки уни қўллаш таҳдидини вужудга келтириш каби таърифлари учрайди.

Шу билан бирга таҳлиллар шунни кўрсатадики, терроризм нафақат сиёсий мақсадларда, балки террорчиликни амалга оширишда жиноятчиларнинг нияти ўзгача бўлиши ҳам мумкин. Мисол учун, Лотин Америкасининг Колумбия давлатида ҳозирги кунда ҳам гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ишлаб чиқарувчилар мамлакатдаги ноқонуний ҳарбий қуролланган гуруҳлар билан ўзаро уюшиб, улардан ҳам соқчи сифатида, ҳам аксилнаркотик дастурларнинг фаоллари ва мутасадди давлат мансабдорларига қарши қирғин фаолиятида фойдаланганлиги террорчилик ҳаракатларининг ғараз мақсадларда содир этилишини кўрсатиб турибди. Қизиқарлиси шундаки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида анкета сўрови ўтказилганда, “Сизда мавжуд бўлган маълумотларга таянган ҳолда уюшган терроризм содир этилишнинг асосий сабаблари нималардан иборат” деган саволга, респондентларнинг 63% жиноятчилар терроризмни асосий даромад манбаи сифатида кўришини, 19% сепаратизмга интилиш ва ислом шиори остида амалга

<sup>10</sup>Рахимов Д.Ф. Современные конструкции определения терроризма: международно-правовые аспекты.- Т.: QONUN HIMOYASIDA, 2004.- С. 51.

<sup>11</sup> Ражабова М. Терроризм жиноятининг объектив томони.// Ҳаёт ва қонун. 2002.-№5.- Б. 63.



ошириётганлигини, 16% эса, жавобгарликдан қутулиш мақсадида содир этилаётганлигини маълум қилди<sup>12</sup>.

Анкета маълумотлардан кўриниб турибдики, ғараз манфаатлар мақсадида террорчилик ҳаракатларини содир этишлик динамикаси, террорчиликнинг бошқа сабабларига нисбатан камида уч баробарга юқоридир.

Таъкидлаш лозимки, ғараз мақсадлар билан бирга, террорчиликни содир этишда диний экстремистик ғояларни халққа сингдириш, диний бағрикенгликни мутлақо инкор этган ҳолда яқдинликни ўрнатиш, диний шиорлар ниқоби остида экстремистик ҳаракатларни оқлаш анъанаси мустаҳкам тус олиб бормоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда террорчилар ўз ваҳший фаолиятини амалга оширишда сиёсий манфаатларни ҳам кўзлашларини инкор этиб бўлмайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган террорчилик ҳаракатларининг барчасида антиконституциявий сиёсий мақсадлар кўзланганлиги яққол намоён бўлди.

Террорчилик ҳаракатларининг одамлар гавжум жойларда уюштирилганлигига асосий сабаблардан бири, бу кўпроқ инсонларга жисмоний талофат етказиш билан бирга, юртимиз аҳолисида кўрқув, ваҳима ҳиссиётларини вужудга келтиришга қаратилганлигидир. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, террорчиларнинг кўзлаган мақсади, амалдаги ҳокимиятга нисбатан ишончсизлик кайфиятини ҳамда жамиятда беқарор вазиятни вужудга келтириш ва шу орқали мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига болта уриш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат анъаналари руҳидаги тараққий ислохотлар амалга оширилиб, жамиятнинг барча жабҳалари янгилашиб бораётганлиги, демократик илғор қадриятлар халқимизга сингиб бораётганлиги жинойтчи, сурбет, ислом динини ниқоб қилиб олган террорчи кимсаларнинг ёвуз режаларига хилоф бўлмоқда.

Таассуфки, сўнгги йилларда мамлакатмизда бир неча террорчилик хуружлари содир этилиб, уларнинг натижасида бир неча бегуноҳ ватандошларимиз жабр кўрдилар. “Ўзбекистон исломий ҳаракати” (Туркистон исломий ҳаракати)нинг етакчиларидан бири А.Йўлдошев, К.Зокиров, Ш.Мадалиев, З.Маҳмудовлар 1994-1998 йиллар мобайнида Фарғона водийси худудида 12 кишининг жонига қасд қилиб, 38 нафар фуқарога турли даражадаги тан жароҳати етказдилар, умумий қиймати 5 миллион сўмдан зиёд пул ва қимматли буюмларни таладилар<sup>13</sup>.

Шунингдек, 1999 йилнинг 16 февраль куни Тошкентда уюштирилган ёвуз террорчилик ҳаракатлари натижасида 16 киши ҳаётдан маҳрум бўлди, 128 киши турли тан жароҳати олдилар, давлатимизга 689.844.542 сўм миқдорида моддий зарар келтирилди. 1999 йилнинг октябрь ойида террорчилар томонидан уюштирилган, Тошкент вилоятидаги стратегик объектларни эгаллашга қаратилган суиқасд натижасида 14 нафар бегуноҳ ватандошларимиз ҳаётдан маҳрум бўлдилар. Шу билан бирга, 2004 йилнинг март-апрель ойларида юз берган террорчилик ҳаракатлари ислом

<sup>12</sup> Долгова А.И. Терроризм и организованная преступность.// Организованный терроризм и организованная преступность.-М.: Российская криминологическая ассоциация, 2002.-С.12-13.

<sup>13</sup> Убайдуллаев У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. - Т.: Университет, 2002. – Б. 62.



динини ниқоб қилиб олган халқаро террорчилар томонидан амалга оширилганлиги, улар давлат ҳокимиятини антиконституцион тартибда эгаллашдан ташқари, ўзининг сохта диний шиорларини мажбурий мафкура тарзида мустаҳкамлаш нияти мавжуд бўлганлиги аниқланди.

Юқорида зикр этилганларни ҳисобга олиб, тадқиқотчи М.Ражабова эътироф этганидек, «охирги беш йилда Марказий Осиё минтақасида, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида террорчилар томонидан содир этилаётган ҳаракатлар замирида ҳам сиёсий, диний, мафкуравий мақсадлардан ташқари шахсий қасос олиш, бойиш каби ғаразли ниятлар ётганлиги ҳеч кимга сир эмас»<sup>14</sup>.

2005 йилнинг май ойида мамлакатимизнинг Андижон вилоятида юз берган воқеалар Ўзбекистон Республикаси террорчиликнинг доимий хавфи остида эканлиги, мазкур муаммога ҳамиша эътибор бериб, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, терроризмга қарши кураш борасида миллий механизмни такомиллаштириш, ушбу иллатга қарши туришда илғор тажрибани миллий амалиётга сингдириш зарурлигини яққол намоён қилиб берди. Шу маънода Ўзбекистон халқаро аксилтеррор чоралари ишлаб чиқиш жараёнида муттасил иштирок этишни талаб этиб, ўз ташаббускорлигини жадаллаштириш сари интилишини тақозо этмоқда.

Илғор ҳуқуқий тажриба шундан далолат берадики, терроризмга қарши кураш борасида сезиларли ижобий натижаларга эришиш учун нафақат терроризмнинг ўзига, балки бутун уюшган жиноятчиликка қарши қаратилган комплекс характердаги механизм ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида терроризм ва унинг йўлдоши – уюшган жиноятчиликка барҳам бериш борасидаги чораларни узвий мувофиқлаштирган механизмни ривожлантириш ва уни мустаҳкамлаш зарур.

Халқаро терроризмнинг хавфлилиги, биринчидан, у юқорида кўрсатиб ўтилган барча усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши; Иккинчидан, алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг мустақил фаолияти сифатида талқин қилинсада, аслида билвосита агрессия ҳисобланиши билан белгиланади.

Таҳлиллар натижасида маълум бўлишича, халқаро терроризм субъекти сирасида унга кўмак кўрсатаётган давлатларнинг раҳбарлари ҳам мавжуд бўлиши мумкинлиги, терроризм объекти сифатида эса халқаро тинчлик ва хавфсизлик тан олиниши лозим.

Юқорида зикр этилган хусусиятлар халқаро жиноятларнинг ўзига хос белгилари эканлиги сабабли, фикримизча, халқаро терроризмни ҳам халқаро жиноят сифатида эътироф этиш лозим. Терроризмнинг халқаро ҳуқуқбузарлик сифатидаги таркибидан келиб чиққан ҳолда халқаро терроризмни сиёсий, ғараз, экстремистик, диний ва бошқа мақсадларда содир этиладиган, аҳолини кўрқитиш, унга жисмоний ва руҳий талофатларни етказиш, турли мулк шакллариغا зарар етказиш, шунингдек, аксилтеррор универсал конвенцияларда “жиноят” деб топилган ҳаракатларни амалга ошириш ва юқорида назарда тутилган ҳаракатларни содир этиш таҳдидида ифодаланадиган халқаро тинчлик ва хавфсизликка қарши қаратилган халқаро жиноят сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

<sup>14</sup>Ражабова М. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш муаммолари.-Т.: Ўзбекистон, 2004.- Б. 157.



Умуман олганда, шуни айтиш лозимки, терроризм, халқаро терроризм жиноятлари тарихан турли даврларга хос бўлиб, бу атамалар тўғрисида умумий эътироф этилган, аниқ ва лўнда тушунча ҳозирга қадар ишлаб чиқилмаган. Халқаро ҳуқуқда ҳам, давлатларнинг ички қонунларида ҳам бу жиноятга турлича таъриф берилган. Террорчиликка қарши курашга алоқадор қатор конвенцияларда ҳам турлича ёндашувлар мавжуд. Уларда ҳатто баъзан қарама-қарши тушунчалар баён қилинган. Ана шуларнинг ҳаммаси пировард натижада бугунги кунда бу жиноятга қарши курашнинг самарасизлиги сабабларидан биридир. Ачинарлиси шундаки, манбаларда қайд этилишича, бугунги кунда ер юзида 500дан ортиқ террорчиликка ихтисослашган ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Улар 60 давлат ҳудудидан жой олган бўлиб, 84 давлатга ва уларнинг фуқароларига қарши террорчилик ҳаракатларини олиб бормоқдалар<sup>15</sup>.

Бизнингча, терроризмга қарши курашда давлатлар томонидан ўзаро ҳамкорлик асосида шартномавий – ҳуқуқий меъёрларнинг ягона тизими яратилиши ва амалиётда қўллаш чораларининг кўрилиши талаб этилмоқда.

Хулоса тариқасида эътироф этиш керакки, халқаро терроризм моҳияти бағоят мураккаб, унда турли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий омилларнинг намоён бўлиши терроризмга тушунча беришда турли ихтилофларнинг вужудга келишига сабабчи бўлмоқда.

---

<sup>15</sup>1 Беглова Н.С. Терроризм: поиск решения проблему США.// Экономика, политика, идеология. - М.: 2004. - С.40.